

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил

11 июль

ШАНБА

№ 46 (13307)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Сўнги шифохона БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Зангиота туманида кўп тармоқли махсус шифохона замонавий талаблар асосида куриб битказилмоқда. Лойиҳага кўра, 33 гектар майдонда 2 минг ўринга мўлжалланган бир қаватли 4 та блокдан иборат махсус шифохона барпо этилмоқда. Ҳар бир блокда 5 та даволаш корпуси, шу жумладан, 3 та стационар бокс, 1 тадан жонлантириш ва жарроҳлик бўлими қурилмоқда.



Тиббий хизмат



Айни кунларда қурилиш ишларининг биринчи босқичи, яъни 1000 ўринга мўлжалланган қисми тайёр ва беморларни қабул қилишни бошлади. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов журналистларни махсус шифохонада

яратилган шарт-шароитлар билан таништирди. Шифохона комплекси энгил конструкцияли, изоляция қилинган сендвич панелларни қўллаган ҳолда, энергия тежамкор технологиялар асосида қисқа муддатда қурилди. Энг

сўнги замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Таъқидланишича, шифохона қоғозбозлик амалиётидан воз кечган. Барча ишлар «Электрон соғлиқни сақлаш» тизими орқали амалга оширилади.

Муносабат

АДОЛАТ ОСТОНАСИ

Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизда суд мустақиллигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида салмоқли қадамлар ташланмоқда.

Жорий йилнинг 30 июнь кuni одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз: "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу — Президент талаби!" дея таъкидлагани бежизга эмас.

Халқимизда "Адолат қиличи кесган қўл оғримас" деган аjoyиб мақол бор. Қаердаки, адолатсизлик авж олса, ўша жойда қонунга итоатсизлик, зўравонлик, коррупция каби иллатлар чуқур илдиз олади. Судларда инсон ҳуқуқлари мустаҳкам таъминланиши провардида давлатнинг тараққиёти тезлашиб бораверади. Аксинча бўлса, тезда ижтимоий инқироз юз беради. Демак, судьянинг мустақиллиги, ҳолислиги, беғаразлиги, ҳалол ва поклиги, адолатлилиги, ҳар бир жамият учун ўта долзарб масала бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу маънода, мазкур видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари жойлардаги мутасаддиларга қарата: "Бир нарсани билинлар — сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли химоя қилинишига эътибор беради. Ҳамма раҳбарлар қулониға қўйиб олсин: суд фаолиятига аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ", дея таъкидлади.

3



Тошкент вилояти ҳокими Рустам ХОЛМАТОВнинг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича вилоят аҳолисига

МУРОЖААТИ

Мурожаатнинг тўлиқ матнини
2-саҳифада ўқинг!



3

УЙДА ҚОЛИНГ!

COVID-19

Оддий қоидаларга амал қилинг:

1. Қўлингизни оғиз ва кўзингизга теккизманг;
2. Қўлларингизни тез-тез совун билан ювинг;
3. Никоб тақишни унутманг;
4. Ижтимоий масофа сақланг;
5. Тана ҳароратингиз кўтарилса, шифокорга мурожаат қилинг;
6. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг.



Карантин талаблари кучайтирилди

Жорий йилнинг 10 июлидан 1 августига қадар Республикаимиз ҳудудида карантин чекловлари кучайтирилди.

Автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди

давлат органлари ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар утказиш тақиқланди

Карантин талабларини бузган шахсларга маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Қуйидаги объектлар фаолияти тўхтатилди:

- парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар;
- буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи ийрик дўконлар;
- спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бассейнлар;
- ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар мактабга таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғараклар;
- умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) (етказиб бериш (кейтеринг) хизмати бундан мустасно);
- санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари.



Тошкент вилояти ҳоқими Рустам ХОЛМАТОВнинг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича вилоят аҳолисига

МУРОЖАТИ

Қадрли юртдошлар!

Вилотимизнинг жонкуяр фуқаролари, азиз ёшлар!

Курраи заминга хавф солиб турган коронавирус инфекциясига чалиниш ҳолатлари вилоятимизда сўнгги кунларда кескин ўсиб бораётгани барчамизни жиддий ташвишга солмоқда. Хусусан, кейинги бир ҳафтада 217 нафар инсонда мазкур хасталик аниқланган, кунлик ўсиш ҳажми 2-3 баробарга ўсиб кетаётгани, энг ачинарлиси, инфекция юқтирганлар орасида ўлим даражасининг кескин ошганлиги барчамиздан янада хушёр ва сергак бўлиб, офатга қарши бир тану жон бўлиб курашишни, карантин чекловларини қайтадан кучайтириш ва унга сўзсиз амал қилишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг 2 февралидан шу кунга қадар чет элдан қартер рейслар ҳамда чегара постлари орқали мамлакатимизга олиб келинган жами 70 мингга яқин ватандошимиз карантин зоналарига жойлаштирилган.

Жумладан, айна пайтда Юқори Чирчиқ карантин полигонига 14 минг 830 нафар фуқаро стационар шароитда тиббий кузатувга олинган. Зангиота юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда бошқа тиббиёт муассасаларида эса жами 563 нафар фуқаро карантин мuddатларини ўтамоқда. Яна 8 мингдан зиёд фуқаро уй шароитида карантинда қолмоқда.

Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турган фуқаролардан 966 нафарига коронавирус касаллиги тасдиқланган бўлиб, шундан 586 нафар фуқаро соғайиб тиббий реабилитация марказларига ва яшаш манзилларига жўнатилди. Бугун вилоятимиздаги тиббиёт ва карантин муассасаларида кечани кеча, кундүзни кундүз демай, 49 нафар врач, 836 нафар ҳамшира, 690 нафар кичик тиббий ва техник ходим, жами 1 минг 574 нафар саломатлик постбонлари бу офатга қарши жиддий кураш олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг 10 июль куни соат 00:01 дан бошлаб ҳар қандай транспорт воситаларида Нурафшон шахрига вилоятнинг барча ҳудудларидан кириш ва Нурафшон шахридан республиканинг барча ҳудудларига, шу жумладан, вилоят туман ва шаҳарларига чиқиш тўхтатилди.

Нурафшон шахрига кириш ва чиқишдаги чекловлар юк ташиш билан боғлиқ ҳолларга, шунингдек, Нурафшон шахрида доимий яшовчи (рўйхатдан ўтган) шахсларга, Нураф-

шон шахридаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят бошқарма, идора ва ташкилотларида меҳнат қилаётган раҳбар ва ходимлар, шифокор ва ҳамширалар, давлат санитария ва эпидемиология осойишталик маркази ходимлари ҳамда вилоят ҳокимининг алоҳида топшириғига асосан вилоят туманларига бириктирилган масъул ходимларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Қадрли дўстлар!

Вилоятда коронавирус пандемиясининг ҳудуд иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида ҳам алоҳида штаб фаолият олиб бормоқда. Иқтисодий блок ходимлари тадбиркорлик субъектлари билан доимий мулоқот қилиб, уларни қийнаётган масалаларни ўрганиб бормоқда. Вилоятда аксарият кўнгилочар, спорт, маъшиий хизмат кўрсатиш муассасалари, озиқ-овқат ва буюм бозорлари фаолияти тўхтаб қолгани билан барча ишлаб чиқариш корхоналари, озиқ-овқат ва савдо қилувчи нуқталар, дорихоналар, тиббиёт масканлари фаолиятини давом эттирмоқда. Айна шу муассасаларда фаолият юритувчи фуқароларнинг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кириши ёки чиқиши учун шароитлар яратилган.

Вилоятдаги барча ишлаб чиқарувчи – бу саноат корхоналарими, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарими, иссиқхоналарими, тўқимачилик саноати корхоналарими ёки исталган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар бўлишидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун юк ташувчи автомобиллар вилоят ҳудудига ҳеч қандай рухсатнома ва тўсиқларсиз ҳаракат олиб бормоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги, вилоят иқтисодиёт, молия, солиқ бошқармалари ходимларидан иборат махсус гуруҳ томонидан ҳозирда коронавирус пандемиясидан азият чеккан тадбиркорлар учун солиқ таътиллари ёки имтиёзлари бериш бўйича аризалар қабул қилинмоқда.

Ўз навбатида, барча тижорат банклари тадбиркорларимизга ажратилган кредитлар бўйича тўловлар мuddатларини узайтириш чораларини кўрмоқда. Бугунги кунга қадар 7 минг 142 та тадбиркор ва 135 минг нафардан ортиқ жисмоний шахснинг 1 трлн. 498 млрд. сўмлик кредит мuddатлари узайтириб берилди.

Бундан ташқари, штаб аъзолари томонидан экспортчи корхоналарга бюджетдан қўшилган

қиймат солигини қайтариш, вақтинча даромадидан маҳрум бўлган соҳа (айниқса, туризм соҳаси) ходимларини қўшимча бюджет маблағлари ҳисобидан жамоат ишларига жалб қилиш ёки бошқа ёрдамлар бериш каби муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳам тизимли иш олиб боришмоқда.

Яна бир муҳим масала, бу бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлашдан иборат. Минг афсуски, эл бошига мана шундай синовли кунлар тушганидан, озиқ-овқат ва истеъмол товарларига бўлган талабнинг ошиб бораётганидан фойдаланиб қолишни ўйлайдиган айрим инсофсиз тадбиркорлар томонидан нархлар асоссиз равишда ошириб юборилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бу борада тегишли хизмат ходимлари томонидан назорат тадбирлари янада кучайтирилади ва вилоятда нарх-наво барқарорлигини сақлаш учун барча зарур чоралар кўрилади.

Қайд этиш лозимки, тиббий ниқоблар, антисептик воситалар ҳам дорихоналаримизда етарли. Уларни ишлаб чиқариш учун барча ресурслар ўзимизда мавжуд, уларни тайёрлаш ва марказлашган ҳолда дорихоналар ва савдо нуқталарига етказиб беришда ҳеч қандай муаммолар бўлмайд.

Хабарингиз бор, вилоятдаги 20 мингдан ортиқ фуқароларимиз кам даромадли ва ижтимоий химояга муҳтожлиги инobatга олинган ҳолда "Саховат ва кўмак" лойиҳаси ташкил этилган. Карантин даврида ижтимоий аҳоли оғирлашган, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган оилаларга саховатли тадбиркорлар ва фуқаролар томонидан 2 млрд. 957 млн. сўм микро-ридаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди ва бу жараён бундан бунён ҳам изчил давом этади.

Ҳурматли вилоятдошлар!

Мамлакатимиздаги бугунги мураккаб эпидемиология вазият барчамиздан янада молли бўлиши, ўзимиз ва яқинларимиз саломатлиги учун масъул эканимизни бир лаҳза ҳам унутмай яшашни, карантин чекловлари ва санитария қоидаларига сўзсиз амал қилишни талаб этмоқда. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги синовли кунларда юксак тафаккур, темир интизом, сабр-тоқат ва шахсий масъулият энг таъсирчан қуролимиз бўлиши керак. Ана шундангина бу синовли кунларни мардонавор енгиб, эртанги ёруғ ва нурафшон кунларга, албатта, етажамиз!

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Воёга етмаганлар ишлари бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг 2020 йилга мўлжалланган иш режасига туман ва шаҳар идоралараро комиссиялари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари киритилган.

КЕЛАЖАК УЧУН

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ



Унга кўра, жойларда воёга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар ўртасида ватанпарварликни тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида кўплаб сайёр қабуллар ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Аҳамиятисини, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида воёга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари томонидан жами 355 мартаба комиссия йиғилишлари ўтказилиб, шундан 46 таси сайёр тарзда ташкил этилди. Уларда ўқувчиларнинг таълим олиши билан боғлиқ 162 та, воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар юзасидан 295 та, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга бағишланган 159 та масала кўрилди.

Комиссиялар томонидан 35 нафар воёга етмаганларга нисбатан огоҳлантириш таъсир чоралари қўлланилган. Қувонарлиси, бир йил давомида улар орасидан тақроран маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлар аниқланмаган.

Шунингдек, 136 нафар воёга етмаганлар жамоат тарбиячиси назоратида, 100 нафари эса нодавлат нотижорат ташкилотлари кузатувида топширилган. Бундан ташқари, ҳудудий комиссиялар томонидан 20 нафар воёга етмаганларни икти-сослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юбориш тўғрисида туман (шаҳар) судларига илтимосномалар киритилиб, шундан 15 таси қаноатлантирилган.

Таъкидлаш жоизки, жойларда комиссиялар қарори билан 226 нафар воёга етмаганларга ҳамда 198 нафар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан яқка тартибда профилактика ишларини олиб бориш чоралари белгиланган.

Жумладан, жорий йилнинг олти ойи

давомида комиссиялар томонидан воёга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси 1-қисми бўйича 328 та иш кўриб чиқилган бўлиб, 366 нафар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган ва уларга нисбатан 79 млн. 966 минг сўм жарима қўлланилган.

Хусусан, ўз болаларини тарбиялашга нотўғри муносабатда бўлаётган ёки комиссия чиқарган қарорнинг бажарилишига тўқинлик қилаётган ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини бўғлаш, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишлари учун шароит яратиб бераётган ёхуд воёга етмаганларни жиноят ва бошқа гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга ундаётган ёки жалб этаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига 5 та тақдимнома киритилган.

Бундан ташқари, воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилатиш чораларини бўғлаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида туман ва шаҳар идоралараро комиссиялари томонидан 123 мартаба теқшириш ташкил этилган. Шундан, 19 таси воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширувчи органлар ва муассасаларда, 104 таси эса таълим, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида ўтказилган. Теқширишлар натижаси бўйича жами 51 та тақдимнома тегишли ташкилотларга юборилган.

Б. ШИРОВ,
Воёга етмаганлар ишлари бўйича вилоят идоралараро комиссияси масъул котиби

Юрган – дарё

Ўзбекистон харитасида қарасангиз, мамлакатимизнинг энг шарқий ҳудудлари – Бўстонлик туманининг Чоғ-Чоғқол тоғлари эканини кўрасиз. Бу ернинг одалари ҳар кунни табиат мўъжизасига кубоқ бўлиб яшайдилар. Қандай дейсизми? Аҳисини бир дамдан.

Йўлда...

Ҳамроҳларимиз билан илонизи йўллари оралаб, қушқўнмас дараалардан ўтиб, "Чорвоқ" сув омборининг ўнг қирғоғидан тахминан 50-60 чақирим йўл босдик. Йўлда пост бор экан. Ажабланганимни кўрган шеригим – Бўстонлик тумани ҳокимининг ўринбосари Маҳмуд Нурметов секин изоҳ беради: "Шу ердан ёввойи табиат – "Уғом-Чоғқол" миллий табиат қўриқхонаси бошланади. Овчилар ва браконьерлар жонзотларини ов қилмаслиги учун йўловчи машиналар қаттиқ теқширилади..."

Олдимида эса ям-яшил далалар, осмонни тўлатиб сузиб юрган парк булувлар, ўқтин-ўқтин пешонасига дакана белбоғ боғлаган чўпон-чўлик кўринади – чалғи сермаб, чорвага кишлик хашак жамғаришяпти. Тўрт тараф тоғ, нарироқдаги жилгани тўлатганча дарё айқириб оқаяпти. Уйлайман – Рўзи Чориев асарларида тасвирланмиш гўзал Ўзбекистон манзаралари мана шу!..

Нихоят, манзилга етдик

Кун пешинга яқинлашганда "Пском" маҳалла фуқаролар йиғинига тасвирчи йигитлар билан бирга кириб бордик. Худуддаги 45-умумтаълим мактабининг шундоққина ёнида, бобоевгоқ тагида маҳаллий аҳоли ва ўқувчи-ёшлар тўпланиб турибди.

Чор-атроф тadbир учун алоҳида безалган, беш муҳим ташаббус фалсафасини ўзида жо қилган бурчак ташкил этилган – кўргазмали

қуроллар, спорт анжомлари ва ба- жарилган ишларга доир суратлар те- риб қўйилган. Стол устидаги яп-янги китоблар – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг туҳфаси. Ҳадемай бу ерда мулоқот бошланади, бу жамоат билан учрашиш, уларнинг қалбига кулоқ тутиш учун меҳмонлар ташриф буюришган...

Пскомга кимлар борган эди?

Жойларда халқ билан мулоқот қилиш, аҳолини қийнаётган муаммо ва масалаларни тинглаш, ёшлар билан суҳбатлашиш учун борган бу меҳмонлар – вилоятимизнинг энг фал депутатлари, эл-юрт назарига тушган устозлар, халқ ардоғидаги ижодкорлар эди. Қуйида расамади билан уларнинг исмлари ва мақомиларини иншо этамиз:

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Сайфиддин Низомов, асли Бўстонлик туманининг қизи – Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Сайёра Файзиёва, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари – халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир, Тошкент давлат аграр универ- ситети проректори, иқтисод фанлари фалсафа доктори Азиз Абдувоқиров, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети проректори, фалсафа фанлари доктори, икки карра жаҳон чемпиони Шавкат Мирзаев, Халқ депутатлари вилоят Кен-

гаши депутати Виталий Ким.

Пском ҳақида биласизми?

"Пском" МФЙ – "Ўзбекистон Швейцарияси" деб ном олган Бўстонлик туманининг энг олис, чекка ҳудуди бўлиб, туман маркази – Ғазалкент шахридан 130 километр узоқликда жойлашган.

Худуддаги 148 та хонадонда 930 нафар аҳоли бор. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти чорвачилик билан банд. Шунингдек, туризм им- кониятлари очилиши билан бу жойларда яқин истиқболда сайёҳликнинг турли йўналишларида янги-янги хиз- мат турлари пайдо бўлади. Аммо, айна ҳолатда, айна дамда тоғларнинг парк булувлар ўлиб турган Пском қишлоғи – сайёҳлар ва туризм бизнеси вакиллари учун очилмаган кўрик...

Ижтимоий соҳа объектларида вазият қандай?

Пскомликлар мамлакат раҳбариятининг эътиборини ҳис қилиб туришади. Хусусан, қишлоқнинг ўзи- га хос географик жойлашувини ино- батга олиб, бу ерда "Пском" қишлоқ врачлик пункти мақомидаги соғлиқни сақлаш муассасаси фаолият кўр- сатиши жорий этилган.

ҚВПда 2019 йилги Давлат инве- стиция дастури доирасида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилган. 50 қатновга мўлжалланган мазкур муассасани мукамал таъмирлаш учун 1 миллиард 100 миллион сўм маблағ сарфланган.



Шунингдек, 350 ўринга мўлжал- ланган 45-умумтаълим мактаби ҳам яқинда 2 миллиард 520 миллион сўм маблағ эвазига мукамал таъмирла- ниб, фойдаланишга топширилган. У моддий-техник базаси, шарт-шароити билан шаҳар ҳудудидаги манаман деган мактаблардан қолишмайди. Мактабда 138 нафар ўқувчи таълим олади, жорий йили 16 нафар ёш йигит-қиз ўқини тавомлади.

Меҳмонлар дастлаб мактаб ва қишлоқ врачлик пунктида бўлиб, олиб борилган мукамал таъмир- лаш ишлари, аҳолига кўрсатилаёт- ган бирламчи тиббий хизмат ҳамда мактабдаги ўқувчиларнинг таълим ва тарбия олишлари учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечириш- ди.

Яшириб нима қилдик – кейинги пайтларда сифатсиз қурилиш иш- лари учрилганда урчиди. Шу маънода, депутатларнинг бу ўрганишларида,

пировардида иккита маъно-мақсад мужассам эди: 1) бино ва иншоот- ларнинг қурилиш сифати белгилан- ган меъёрларга жавоб берадими; 2) яратилган шароитдан мактаб, ҚВП маъмурияти, аҳоли қандай фойдала- наяпти?

Таъкидлаш жоизки, Пскомда ҳам, кейинроқ кўрганмиз Такаёвгоқ қи- лоғида ҳам ижтимоий соҳа объек- ларининг қурилиш сифати, ундан истифода этиш маданияти аъло да- ражада эди! Ҳа, мағрур ва ориятли тоғликлар бундай гамхўрлик, эъти- борнинг қадрига етишади!

Худудда малакали кадрларга эҳтиёж катта. Хусусан, қишлоқ врач- лик пунктида бу яққол сезилади.

Умид сайёраси


ҚВПдаги шароитларни кўздан ке- чириб, секин ортага қайтиб чиқаркан- миз, бир мuddат Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари бўлиб ишлаган ҳамроҳимиз Сайёра Файзи-

ева чамаси 25 ёш атрофидаги қот- мароқ билан йигитга қараб, оналарча меҳр билан гапира кетди:

– Умид, бу йил ҳам ўқишга топ- ширасанми? Қайтма, болам, бу йил албатта кирасан!

Кейинроқ маълум бўлдики, фельдшер Умид Абдувоҳидов неча йилдирки тиббиёт олийгоҳларига ўқишга топширади, аммо бу борада иқболи юришмай келаётган экан. Уй- лайман, Сайёра опанинг таъбири билан айтганда, "тайёр кадр" бўлган, ўз ишининг устаси, ўн йиллик тажриба- га эга амалиётчи Умид Абдувоҳидов кабилар аслида тиббиёт тизимининг умидлари, эртаси эмасми?! Афсуски, кейинги пайтларда бот-бот айтила- ётганидек, бир замонлар атайлаб мураккаблаштирилган, технократик ёндашувлар устувор қўрилган тест тизимининг қасрига шундай кадрлар олий маълумотли бўлишга ҳали ҳам илҳақ.

Тўғри, ҚВП раҳбари, тажрибали тиббиёт ходими Абдугани Тўрабоев худуд аҳолисига хизмат қилиб ту- рибди. Абдугани ака гарчи тиббиёт соҳасида ўрта маълумотли бўлса ҳам, кўп йиллик тажрибаси ва худуд- да врач йўқлиги туфайли бугун таш- қилот раҳбари вазифасини ҳам ба- жариб келаяпти. Ҳа, унинг ёнида шу қишлоқдан етишиб чиққан ҳамшира- лар ҳам бор. Лекин, қишлоққа олий маълумотли врач, даволаш амали- ёти ва назариясини чуқур ўрганган шифокор керак.



Хўш, вилоятимизда Президент фармони ва ҳукумат қароридан белгилаб берилган вазифалар ижроси қай ҳолатда? Туман, шаҳарларда ҳоким маслаҳатчилари фаолияти қониқарлими? Жойларда тил масаласига бўлган муносабат қандай, камчиликларни бартараф этиш борасида нима ишлар амалга оширилмоқда? Бу каби саволларга жавоб излаш мақсадида вилоят ҳокимлигида тузилган махсус ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, ўрганишлар олиб борди.

Дастлаб Бўстонлик тумани ўрганилди. Юқоридан келти-

лифлар берилаяпти. Тарғибот гуруҳи томонидан тасдиқланган график асосида 3 босқичда ўқув семинарлари ўтказилди.

Кейинги манзил Янгийўл тумани бўлди. Бу ерда туман ҳокимининг топшириғига кўра, ҳокимлик томонидан расмийлаштирилган қарор ва фармойиш лойиҳалари ҳамда расмий хатларнинг давлат тилида ёзилишини тизимли йўлга қўйиш мақсадида ходимларнинг ёзишмалари лойиҳаси маслаҳатчи назоратидан ўтказилиши белгилаб қўйилган.

ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

рилган фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги хузурида жорий йил март ойида 9 кишидан иборат тарғибот гуруҳи ташкил қилинган. Улар Давлат тилига оид қонун ҳужжатлари ҳақида идора-ташкilotларнинг раҳбар ва ходимларига, тадбиркорларга атрофлича тушунчалар беришмоқда.

Туман ҳудудини айланар эканмиз, реклама ва баннерлардаги камчиликларни тўғрилашга алоҳида эътибор қаратилганини сездик. Жумладан, ўтган 3-4 ой ичида 66 та маҳалладаги маънан эскирган баннерлар, ноқонуний ўрнатилган рекламалар ва турли маъносиз ёзувларнинг 152 таси олиб ташланибди.

Туманда 59 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 601 та кўча мавжуд. Уларнинг номланиши бўйича охириги ўзгаришлар кўриб чиқилиб, қайта номланидиганлари белгилаб олинган.

Ишчи гуруҳ томонидан тумандаги барча кўча номлари таҳлил қилиб чиқилди. Бу жараёнда бир хил номдаги ва белгиланган талабларга жавоб бермайдиган кўча номлари ажратиб олинди. Хусусан, туман доирасида номлари такрорланган 28 та кўчадан, 15 тасини қайта номлаш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ёзма равишда таклифлар олинган. Қолган 13 таси маҳаллалар билан кесилган кўчалар бўлганлиги сабабли, ўз мақомида қолиши бўйича комиссияга маълумотлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, маданий мерос объектига қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш бўйича ҳам ишчи гуруҳ тузилган. Улар томонидан Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар номи берилган географик объектлар рўйхати шакллантирилиб, бу борадаги ишлар давом эттириляпти.

Шу кунги ишчи гуруҳ вакиллари тумандаги айрим тадбиркорлик субъектларида бўлиб, ташқи реклама ва ёзувлар давлат тилида ёзилиши кераклигини тушунтиришди.

Таъкидлаш кераки, туман ҳокимининг тегишли қарорига кўра, ташқи ёзувлар, шу жумладан, лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмалари бошқа ахборот матнлари Давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилган. Улар томонидан туман ҳудуди вақти-вақти билан ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан қорхона ва ташкilotлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорларга керакли так-

лифлар берилди. Шунингдек, ўрганишлар доирасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслиги юзасидан таъсир ва кўрсатмалар берилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати/

Эндиликда, Президентимизнинг ушбу давлати асосида судьянинг фаолиятига тўқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарлигини қучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Оқлов ҳукмларининг чиқарилиши одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишонччи мустаҳкамламоқда. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек халқимиз суд-ҳуқуқ тизимидан тўлиқ рози дейишга ҳали эрта.

Хусусан, барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини "Инсон қадр-қиммати - энг олий қадрият" махсус ўқув модули бўйича ўқитиш, тергов сифати ва ходимлар малакасини ошириш мақсадида Тергов институтини ташкил этиш ва терговчилик касбини

шаббуси билан айбловдан воз кечиш тартибини жорий этиш таклифлари билдирилди.

Шунингдек, фуқаролар, тадбиркор ва инвесторларни ортиқча сарсон қилмаслик ва уларга қулайлик яратиш мақсадида, халқаро стандартлар асосида суд тизимини "Бир суд - бир

лишда Президентимиз томонидан суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўзи номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган "назорат тартибида ишларни кўриш" амалиётидан воз кечиш ва судьянинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири - Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифи ҳам илгари сурилди.



Уйлаймизки, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва юқоридagi йиғилишда мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифлар жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида мутафаккир шoir Алишер Навоий таъкидлаганидек, "Адолат ва қонунийлик - халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асосидир" деган эзгу ният пайдо бўлишига хизмат қилади.

Дилшод ТОҶИБОВЕВ,
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси

Мазкур йиғилишда Президенти одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишонччи мустаҳкамламоқда. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек халқимиз суд-ҳуқуқ тизимидан тўлиқ рози дейишга ҳали эрта.

Хусусан, вилоят судлари томонидан 2017-2019 йиллар ва жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 193 шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ушбу рақамлар бир оз кеч бўлсада, адолат тантанаси қанча оилаларга қувонч олиб келганидан дарак беришини тасаввур қилиш қийин эмас.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

дентимиз томонидан соҳада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилдики, уларнинг пировард натижаси халқни рози қилишдан иборатдир.

эгаллашда мутлақо янги талаблар ишлаб чиқиш, соҳага илгор тажриба ва стандартларни жорий этиш, суд мажлисида тергов жараёнидаги хатолар аниқланганда прокурор ўз та-

инстанция" тамойили асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, ушбу йиғи-

ишда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкilotчиси Равшаной Газиева иштирок этди. Конференция кун тартибига киритилган барча масалалар очиқ овоз ҳамда муқобиллик асосида ўтказилди.

Худди шундай ҳисобот-саялов конференциялари Оҳангарон шаҳри ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳам бўлиб ўтди.

Беш йиллик яқун ясалди

Оқмаликда карантин қоидаларига 2015-2020 йиллардаги фаолиятига бағишланган ҳисобот сайлов-конференцияси бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Гулчехра Нишонваннинг ҳисоботи тингланди.

Конференцияда бошланғич ташкilotларда Устав вазифаларини бажариш ва иш юриштиши намунавий тарзда олиб борилишини таъминлаш, ҳар бир давлат ва нодавлат ташкilotларида жомоа шартномалари бажарилиши самарадорлигини янада оширишга эришиш

шаҳардаги давлат муассасалари ва жомоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг доимий эътиборидаги вазифа эканлиги таъкидланди.

Конференция ишида маҳаллотларида жомоа шартномалари бажарилиши самарадорлигини янада оширишга эришиш

легалтар иштирок этишди. Яқунда касаба уюшма фаолияти қониқарли деб топилди.

Чирчиқ давлат педагогика институтида ҳам бошланғич касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот-саялов конференцияси бўлиб ўтди. Конференция



ишда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкilotчиси Равшаной Газиева иштирок этди. Конференция кун тартибига киритилган барча масалалар

очиқ овоз ҳамда муқобиллик асосида ўтказилди. Худди шундай ҳисобот-саялов конференциялари Оҳангарон шаҳри ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳам бўлиб ўтди.

Ташхисдан даволашгача

Бекобод шаҳридаги тиббиёт ташхис маркази 1995 йилда ташкил этилган. Ўтган йили тадбиркор Авазбек Қўзибоев ташхис марказини хусусийлаштириб, кўп тармоқли "Элмед" даволаш марказига айлантирди.

Бугунги кунда марказимизда 18 нафар малакали шифокор беморлар дардига малҳам бўлмоқда, - дейди бош

шифокор Музаффар Ибрагимов. - Замонавий тиббиёт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган марказимизда кун



га юзга яқин беморларга малакали хизмат кўрсатамиз.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

Дикқат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари дикқатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очиқ аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очиқ аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сакловчи	Объектнинг (шақланган) сотиш қиймати (сўм ва физ қўриниши)
1	Боғ ва ер майdonи	Қўнрай тумани, "Шаллола" маҳалласи	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	963 297 166,0
2	Боғ ва ер майdonи	Оҳангарон тумани, "Ўбайл" маҳалласи	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	499 268 766,0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 6 июлдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 30 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил:
100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.
Маълумотлар учун телефон:
(71) 293-90-59.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт:
www.davaktiv.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилгандаги ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 340-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

БИР БЎСТОН БОР...

Олдинроққа ўтиб айтишим жоиз, мазкур сафаримиздан бир-икки кун кейинроқ вилоят ҳокимлиги биносига Сайёра опа Файзиёва билан кўришиб қолдик. У вилоят ҳокимига шу учрашув яқунлари, унда кўтарилган муаммо ва масалалар ҳақида батафсил ахборот бераркан, алоҳида мавзу ўлароқ фельдшер Умид Абдувоҳидовнинг олий маълумоти бўлиш орузини, унда ёрдам бериш имкониятларини сўзлар эди. Хуллас, вилоят раҳбарининг кўрсатмасига биноан, Умид Абдувоҳидов ўқишга тайёргарлик қилиши учун шaroит яратилганидан, унга тажрибали устозлар бириктирилганидан бўлди.

лоҳотларнинг Тошкент вилоятдаги, хусусан, Бўстонлик туманидаги натижа ва самаралари ҳақида иштирокчиларга сўзлаб беришди.

Ўз навбатида, аҳоли вакиллари ҳам муаммоларини айтишди. Мазкур мулоқот мамлакатимизда Ёшлар кўни шуқуҳи ҳали тарқамган бир паллага тўғри келгани учунми, саволлар, асосан, ёшлардан, ёшларга оид мавзулардан бўлди.

си тоғлар орасидан гулдираб овоз бергандек бўлди. Эл суйган бўлбунафас шoir қандай пардада, қандай оҳангларида сўзлай бошлаганига эътибор беринг.

- Ҳар тонгда пурвиқор тоғларнинг нурини ўлиб, олпоқ сочларини тараб қувёш Пскомдан чиқиб келади...

Бундай зариф ва нозик ўхшатишларни шу тоғу тошларни, унда умргузаронлик қи-

Куннинг иккинчи ярмида...
...Дастлаб шу ҳудудда яқинда ташкил этилган меҳмон уйи бориб кўрилди, бир пиёла чай устида, тоғликларнинг урф-одати, турмуш тарзи ҳақида дилкаш гурунлар бўлди.

Сўнгра ҳамроҳларимиз билан қуйроққа қайтиб, салкам 800 салмоқли оила истиқомат қиладиган "Тақаёнгоқ" МФИдаги 46-умумтаълим мактабида учрашувлар давом этди. Халқ ва халқ вакиллари, ижодкорлар, таълим ташкilotларининг вакиллари она Ўзбекистоннинг тарихи, бугуни, эртаси ҳақида самимий сўхбатлашдилар.

Тақдирнинг ишлари қизик. Гоҳида айрим воқеликлар меҳвариди исмлар ҳам маъно таъшиди. Тоғлар орасида яшаётган умид меҳр-муҳаббат сайёрасида нашъу намо топади - бирдан шу сўзлар миямга келди...

Мулоқот бошланди - биллур кўлда "Nefrit tour" туристик фирмаси иш бошлайди?

Дастлаб меҳмонлар ҳайрат тўла нигоҳларини қадаб ўтирган жамоатга қарата ўз сўзларини айтиб, сўнгра улар учун келтирган совға-саломларини топширдилар.

Нигина Юлдашева, Чирчиқ давлат педагогика институтини талабаси: - Қишлоғимизда оламга машҳур шаффоф кўл - нефрит кўли бор. Бу мўъжизани кўриш учун ҳар йили минглаб сайёҳлар келишади. Аммо, ўша ҳудудда уларга сифатли хизмат кўрсатадиган меҳмонхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объекти, ҳатто ҳо-жатхона йўқ. Мен шунини кўп

уйлайман. Имконият берилса ва ёрдам кўрсатилса, "Nefrit tour" деб номланган сайёҳлик фирмасини очиб, шу жойда замонавий туризм объекти қуриш орузим бор. Асосийси, шу ҳаракат орасидан қишлоғимиздаги кўллаб тенгдошларим, айниқса, ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланар эди.

Вилоят ҳокимининг туризмини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбо-

Кўнгулдан кўчирмалар
Чотқол тоғлари ортида қувёш уфққа ёнбошлай бошлаган пайта секин пастга қараб энамиз. Кун сарҳисобини қиларканман, гўзалликда табиат ва инсонлар навбат талашадиган бу муҳитни, меҳр ва самимийлик тантанаси бўлган бу учрашувларни қандай ёзишни ўйлар эдим.

Бу тадбир шу кунларда мамлакатимизда кизгин давом этаётган "Болага китоб бериш" акцияси эдимми? Ёки "Битирувчи ёшлар билан учрашув" туркумидаги тадбирми? Балки "Депутат ва ёшлар" деб номларимиз? Йўқ, тўхтанг, ахир бу "Адиб ва жамият" рункидаги мулоқот-ку! Хуллас, қай тарафдан қарасангиз, ўшандай маъно чиқаради. Аммо, уларнинг биронта йўналиши алоҳида ажратиб кўрсатилса, бошқаларни эсдан чиқаргандай бўласиз.

Депутатлар, Олий таълим ташкilotларининг проректорлари ёшларга яратилаётган имкониятлар, муаззам давлатимизда охириги тўрт йилда олиб борилган кенг миқёсли ис-

Шoirи шеър ушур
Даврани вазминлик билан бошқариб, ўрни-ўрни билан ҳар икки тарафининг фикрларини тўлдириб, омихталаб бораётган Сайёра Файзиёва мулоқотнинг авж нуктасида эълон қилади: "Сўз Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоирга!"

Давра бир қалқиб олади. Китобларда ўқиган, телевизорда кўрган шoirнинг қишлоғига келиб, улар билан учрашиб, сўз айтиши ёшларни бошқача бир ҳаяжонга чулғайди.

Шoirига Худо берди! Завқи тошди, тўлиб сўзлади, тошиб сўзлади. Қалб бисотидаги энг инча ташбех ва шoirнона тақаллуфлар қоришган иборалар, фикрларнинг акс-садо-

лаётган қалби кўрли инсонларни чин дилдан севган шoir айта олади!

Мулоқот якунида шoir ўз китоблари ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг туҳфаси - яқинда нашрдан чиққан асарларни тантанали вазиятда топширди.

Мана, таассуротларимни имкон қадар қозоғиза туширдим. Лекин, барибир бу ёзувлар тоғлар орасида ўз гам-ташвишлари, оруз-мақсадлари билан яшаётган қалби қайноқ одамлар билан ўтган учрашувлар тафтини тўла баён қилмайди...

Чунки, кўрган бошқа, эшитган бошқа. Пскомга боринг - Сижоак, Бурҷумулла, Нанай қишлоқларидан ҳам ўтганда, қорли тоғлар қўнида она табиатнинг мўъжизаси бўлган бир макон бор. Унда оқидан ўйли одамлар, чизгилареза сизгиза маъруза манзараларни кўрасиз...

Абдусайд БОБОКАЛОНОВ

Маҳалланинг меҳр манзили

Ибрat



Ангренлик Гулбаҳор Қулматовани маҳалладошлари жуда ҳурмат қилишади. Сабаби, олтмиш ёшни қоралаётган Гулбаҳор опа ҳаёти давомида кўплаб қийинчилигу синовларни сабр билан енгиб ўтиб, фарзандларини яхши инсонлар қилиб вояга етказди. Маҳалладаги тўй-томоша ва маъракаларга бош-қош бўлувчи кайвонига айланди.

Данагидан мағзи ширин деганларидек, Гулбаҳор опа набиралари тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Карантин даврида набираларимга янада кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиламан, — дейди Гулбаҳор опа. — Ҳозир уларнинг шўхликка берилган пайтида, назорат қилиб турмасангиз ўйинқароқлиги тутиб, китоб ўқимай қўйишади. Шу боис, ўзим уларга меҳрибонлик билан, баъзан эса қаттиққўллик билан дарс қилдираман. Бу хонадондаги қайона-келин муносабатлари ҳам ҳамма ҳавас қилади. — Бу ҳовлига келин бўлиб келганимга 13 йилдан ошди, — дейди Наима Қулматова. — Барча рўзгор ишларини ойижоним ўзлари ўргатганлар. Хато қилганимда койимай, камчиликларимни айтиб, маслаҳат берадилар.

Аброр ЭСОНОВ олган сурат

СПОРТ/СПОРТ/СПОРТ

ЯШИЛ МАЙДОН

мамкалари

Футбол бўйича аёллар ўртасида Олий лига баҳсларига старт берилди. Дастлабки тур беллашувлари мамлакатимизнинг олтига шахрида ўтказилиб, унда вилоятимиз жамоалари йирик ҳисобда ғалаба қозонишди.



Жумладан, Бекбоғда "Металлург-В" жамоаси "Навбахор-В" клубини қабул қилди. Ўйиннинг дастлабки дақиқалари беқободликлар учун бир оз омадсиз бошланди. 15-дақиқада Рушания Сафина кутилмаганда ўз дарвозасига гол уриб қўйди. Шунга қарамай, майдон эгалари вазиятни қўлга олиб, рақиб дарвозасига учта гол киритиб, ғалабага эришишди.

Ўз мухбиримиз

Хунармандчилик



тушаяпти, — дейди Гулшода Йўлдошева. — Ҳозиргина ясаган буюмларимни Россия, Хитой ва Қирғизистонга экспорт қилар эдим. Энди Тожикистон ва бошқа давлатларга ҳам жўнатиш режасини тузаялман. Тақинчоқлар асосан мис ва мельхиор каби металллар, табиий шифобахш тошлар, хусусан, феруза, ҳақиқ, яшна, қаҳалан ва гранат кабилардан ясалаётганлиги боис уларга бўлган қизиқиш катта. Айни кунларда хунарманд банкдан 30 миллион сўм кредит олиш тараддуида юрибди. Олинган маблағга яна тўртта иш ўрни яратиш, жами иш ўринлари сонини 8 тага етказишни режалаштирган. Шу орқали маҳалласидаги хотин-қизларга миллий тақинчоқлар ясаш сирларини ўргатишни мақсад қилган.

Ўз мухбиримиз

Оққўрғонлик Гулшода Йўлдошева хунармандчиликнинг нозик соҳаси — заргарликни танлаган. Ёш бўлишига қарамай, шу касб орқали элда эътибор топди. У ясаган заргарлик буюмлари бугун нафақат юртимиз, балки хориж давлатларида ҳам хариддоргир.

ОҚҚҮРҒОНЛИК ЗАРГАР АЁЛ

Мана, тўрт йилдирки, Гулшода яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритади. Ёш хунарманд изланувчанлиги сабабли кўплаб муваффақиятларга эришди. Заргар аёлга икки йил муқаддам «Хунарманд» уюшмаси томонидан имтиёзли кредит олиш сертификати берилди. Ўтган йили эса «Ташаббус» — Пандемия сабаби ишқўрик-танловининг туман босқичида «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинацияси бўйича II даражали диплом билан тақдирланди. Шу билан бирга, «Ёшлар келажакимиз» жамғармаси томонидан уюштирилган «Ёш тадбиркорлар» II форумида сертификат олиб, қирғизистонлик тадбиркор аёл билан буюмларини сотиш юзасидан шартнома имзолади.

— Пандемия сабаби ишқўрик-танловининг туман босқичида «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинацияси бўйича II даражали диплом билан тақдирланди. Шу билан бирга, «Ёшлар келажакимиз» жамғармаси томонидан уюштирилган «Ёш тадбиркорлар» II форумида сертификат олиб, қирғизистонлик тадбиркор аёл билан буюмларини сотиш юзасидан шартнома имзолади.

Одамийлик шеваси

Хаётнинг ёзилмаган қонуниятлари бор, дейишади. Бу нақадар тўғри гап. Бунга ҳаётнинг жуда яқин кўлаб мисоллар келтириш мумкин. Куйидаги ҳикоямиз ҳам ҳаётда юз берган бир воқеа асосида ёзилган... — Мансуржон, ҳо Мансур, қаердасан болам, жавоб берсангчи...

Мансуржон ўзи учун алпақачон энг қадрдон жойга айланиб қолган сой бўйида эди. Онасининг уни қадрдон овозини эшитса ҳам ўзини эшитмаганга солиб ўтирарди. Лекин, бугун унинг дили ёруғ эди. Бунинг сабаби баҳор келиб, қиш бўйи қуриб ётган сойдан яна сув оқа бошлади. Мана икки йилдирки, у ўзининг қадрдон сойдан оқаётган сув билан сирлашади, дилидаги бутун армонларини унга тўкиб солади. Энди олти ёшни қаршилаган болакайнинг дарду армонлари эса ҳақиқатан ҳам бисёр...

Мансуржон тугилиб ўсган оила ҳам бошқалар қатори тинч-тотув яшаб келарди. Отаси Маҳмуджон давлат идорасида, онаси Соҳиба қишлоқ врачлик пунктида тиббиёт хамшираси бўлиб ишлар эди. Бувиси билан буваси ҳам уни ёлғиз назира сифатида жуда яқин кўришарди. Айниқса, буваси хар сафар пенсиясини олганда унга олиб келадиган совғаларини тез-тез эслаб туради.

Отаси ўзига тўқ, анчагина бадавлат оилада ўсиб улғайган бўлса, онаси оддий, ойлик маош ҳисобидан кун кечирадиган хонадоннинг фарзанди эди. Шунинг учунми, бувиси ойисини менсимасдан муоамала қилаётгандек туюларди, унга. Буваси эса бунинг акси эди, келинини доимо эркалаб: «Қизим» деб чақирар, унга яқин гапирар эди. Нима бўлди-ю, кейинги вақтда оилаларида рўй берадиган жанжаллар жиддий тус ола бошлади. Аввалги ойис билан бувиси ўртасида турли масалаларда тотилишлар бўлиб турди. Ана шундай кунларда бувиси отасига бўлган воқеаларни гапириб берар ва кўпинча уни хотинининг

Аммо, шундай илиқ муносабатларга қарамадан Мансуржонга нимадир етишмаётгандек туюларарди. Дастлаб бунинг нима эканига унинг гидроки етмасди, йиллар ўтиб, ёши катталашган сайин ҳаммасини тушуна бошлади. Бу оила, ота-она соғинчи эди. Тўғри, ўтган давр ичида ҳар икки томондан бир неча марта бу оилани яраштиришга ҳаракатлар бўлди. Лекин, баъзан у томоннинг, баъзан бу томоннинг айби биланми, тезлиги биланми, ҳар қолган натижа бўлмади.

ОҚИЗОҚ...

Ана шундай кунларда Мансуржоннинг эрмаги мана шу сой бўйи бўлар эди. У бу ерга келишни, ўзининг ўй-хаёллари билан ёлғиз қолишни истарди. Гаплари бўлса сув билан тиллашарди. Назарида сув ҳам шовуллаб унга жавоб қайтараётгандек туюлар эди.

Болакайнинг хаёлини Эрмат подачининг шовқини бузиб юборди. Маълумки, қишлоқларда қадимдан маҳалла-қўйнинг мол ва қўй-қўзисини боқувчи кишилар бўлган. Улар ҳар бир хонадон билан хизмат ҳақини келишиб, мол-ҳолин божиб берган. Эрмат амаки маҳалладошларининг ана шундай беминнат хизматкори.

Баҳор келиб, Эрмат подачининг ишлари ҳам бошланиб кетди. У ҳар кун эрта тонгда мана шу сойдан молларни ҳайдаб ўтиб, уларни Чирчиқ дарёсининг эски ўзанида боқадди ва кеч тушганда эгаларига қайтарарди. Бу ҳол эрта баҳордан то кеч кузгача ҳар кун қайтарилади. Кексаларнинг тили билан айтганда Эрмат подачини Худонинг ўзи етказган. Ҳиёл девонасифат, лекин ўзига яраша фельли-қуйли, аммо ҳалол ва тўғрисуз бу одам подачиликни бошлагандан буён хали бирорта ҳам мол-ҳол йўқолмаган ёки бошқа нохуш

ҳолат рўй бермаган. — Ҳа, яна шу ерда ўтирибсанми, сени боядан буён онанг қидириб юрибди-ку, — деди у Мансуржонга ва сўзини давом эттириб, — отангни соғиндингми, — деди.

Бола бу саволга жавобан, ҳа ишораси билан жавоб берди.

Буни қўрган Эрмат подачининг кайфияти бузилди. Одатига кўра ўзи билан ўзи гаплаша бошлади.

— Эй, бу қандай бевафо дунё эканки, биров бир парча тирноққа зор, биров эса

нараски, уни нима ният қилиб жўнатсанг, шу амалга ошади, буни менга момон айтганлар, — деди боланинг қувониб кетганини қўрган Эрмат подачи.

— Унда мен ҳозирқоқ бориб дадамга хат ёзиб, уни оқизоқ қиламан, — деганча Мансуржон уй томон югуриб кетди.

Эрмат подачи ҳар тонг подани сойдан олиб ўтаётганда Мансуржонга рўбарў келар, болакай унга бугун яна битта оқизоқ жўнатганини, уларнинг бири бўлмаса бошқаси отасига, албатта, етиб боришини ишонч билан айтарди.

Боланинг тўлиб-тошиб гапириши, қилаётган ишидан Эрмат подачининг кўзига ёш келарди. «Ишқилиб ота-онасига инсоф бериб, унинг орзуси ушалсинда», дея ният қиларди.

...Орадан кўп ўтмай маҳалла фаолларининг аралашуви билан икки томон ўртасидаги зиддият юмшади. Кексаларнинг маслаҳати билан оила ришталари қайта тикланди. Бундан энг қувонган, албатта, Мансуржон эди. Олти ёшли болакай буларнинг ҳаммаси Эрмат подачининг маслаҳати билан сойга оқизилган оқизоқлар тўғрисида берганига ишонарди.

Мансуржоннинг отаси навбатдаги ҳафтанинг жума кунини оиласини шаҳарга олиб кетгани эди. Бундан боши осмонга етган Мансуржон: «Мен ҳозир келаман», деганча Эрмат подачига миннатдорчилик билдириш ва у билан хайрлашиш учун сой томонга югуриб кетди.

Йўлда қишлоқ аҳлининг бир майитни қабрисидан томон олиб кетишга етганини кўрди. Мансуржон ушбу тобутда муборак жума тонгда бандиликни баҳо келтирган Эрмат подачи ёнлигидан беҳабар эди. Майитни қабрга қўйишди, жаноза маросини охирига етди. Қабрисидан қайтар чоғида қишлоқ оқсоқоли жамоатга қарата: «Биродарлар, Эрматвой қандай одам эди», деб мурожаат қилди. Қишлоқ аҳли бунга жавобан ёппасига: «Яхши инсон эди, жойи жаннатда бўлсин», деб жавоб берди.

Оқсоқол юзига фотиҳа тортар экан, у шунга муносиб эди, деб қўшиб қўйди...

— Албатта олади, оқизоқ шунақа

Ёзувчи ён дафтарида

Ҳаммадан бир айб топиб олтириб юборсаю, ёниб кетган уйнинг мўрисидай бўлиб, адабиётда битта ўзи сўпайиб қолса.

Адабиёт хунар, уни касбга айланттириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

Бу одам ёзувчилик меҳнатини фақат ёзишдан иборат деб ўйлади.

Сергап — эзма одамни суҳбатда изза қилиш, сергап — эзма нотикқа «қисқароқ бўлсин» деб сўз ташлаш кифоя, лекин сергап — эзма ёзувчини судга бериш керак.

Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларни қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

Мен бу китобни не машаққатлар билан дўппимни хидлаб-хидлаб ўқидим.

Абдулла ҚАҲХОР

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раиси, сенатор Хурсанов Абдулло Холмуродовичга волидаи муҳтарамаси

ХАЛИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборовга волидаи муҳтарамаси

Мақсад ая ЖҲРАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви, "SFI Management group" хориж компанияси раҳбарияти ҳамда комбинат касба уюшмаси Кенгаши "ОКМК" АЖ бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулло Хурсановга волидаи муҳтарамаси

ХАЛИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Olmazor fayzli tantanalari" МЧЖ (ИНН: 304370684; МҲО:00780) га қарашли Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор кўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган "Olmazor-Olmoz Trans" хусусий корхонасига тегишли 11-13-08-01-02-0035 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

TOHKENT XAKIKATI TASHKENTSKAYA PRAVDA. Muassis: TOHKENT VILOYATI HOKIMLIGI. Bosh muharrir: Fayrat SHERALIEV. Qabulxonasi: (71) 233-64-95. Bosh muharrir urinbosari: (71) 233-70-10. Mas'ul kotibi: (71) 233-90-82. Bulum muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08. E'lonlar va hisob-kitob bulimi: (71) 233-54-10. Manzilimiz: 111500, Nurafonon shahri, Toshkent yuli kuchi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbutchilar kuchi, 32. Xaftaning chorshanba va shanba kunlari chikadi. Nавбатчи муҳаррир: Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА. Назоратчи мусахҳиҳ: Аллома АЗИЗОВА. Навбатчи Саъдулла САЙДУЛЛАЕВ. ISSN 2010-9318. Босишга топширилди вақти — 21.00. Босишга топширилди — 18.00 1 2 3 4 5 6